

**Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш  
агентлиги тизими ташкилотлари томонидан  
Ёш мутахассисларни танлаш  
ДАСТУРИ**

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги (кейинги ўринларда - Агентлик) марказий аппарати таркибий бўлинмалари, идоравий мансуб ташкилотлари ва ҳудудий бошқармалари (кейинги ўринларда – Агентлик тизим ташкилотлари) томонидан “Ёш мутахассисларни танлаш” дастури (кейинги ўринларда – Дастур) олий таълим муассасаларининг (кейинги ўринларда – ОТМ) битирувчи курсида ўқиётган қобилиятли ёшларни саралаб олиш, уларнинг стажировкасини ташкил этиш ва кейинчалик захирага киритиш бўйича комплекс чора-тадбирларни назарда тутати.

**Дастур мақсади** – Агентлик тизим ташкилотларига энг муносиб кадрларни танлаш ва истиқболли кадрларни тайёрлашни тизимли йўлга қўйиш ҳамда ОТМ битирувчиларини агентлик фаолиятига жалб қилиш самарадорлигини оширишдан иборат.

**Дастур вазифалари:**

олий таълим муассасалари ҳамда Агентлик тизим ташкилотлари ўртасида интеграцияни йўлга қўйиш;

энг салоҳиятли ва билимли битирувчиларни селекция қилиш;

номзодларни Агентлик тизим ташкилотлари га стажировка ўташ учун йўналтириш ҳамда “устоз-шогирд аънанаси” асосида тажрибали устоз-менторларга бириктириш;

стажировкани муваффақиятли яқунлаган битирувчиларни танлов (сухбат) асосида Агентлик тизим ташкилотлари га ишга қабул қилиш.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Дастурда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**Олий таълим муассасаси** – бакалавриат таълим йўналишлари бўйича юқори малакали кадрлар тайёрланишини таъминловчи давлат таълим муассасаси;

**битирувчи** – ОТМ кундузги шаклининг бакалавриат босқичи битирув курс талабалари;

**Агентлик тизим ташкилотлари да стажировка ўташ** – ёш

мутахассисларни давлат хизматида тайёрлаш, касбий фаолият маъсулиятини ҳис этиш ва тажрибали мутахассисларнинг иш фаолиятини ўрганиш орқали ОТМда олган назарий билимларини амалий мустаҳкамлаш жараёни;

**малака талаблари** – тизимдаги маълум бир давлат фуқаролик лавозимига стажёр бўлиш учун номзодларга нисбатан давлат органи томонидан белгиланадиган тегишли маълумот, шунингдек билим ва касбий компетенциясига қўйилган талаблар;

**стажировка раҳбари** – тизим ташкилотидagi стажировка жараёнини мувофиқлаштириш масъулияти юкланган раҳбар ходими.

**устоз-ментор** – стажировка ўтаётган битирувчиларга давлат хизматидаги фаолиятида “устоз-шогирд” анъанаси асосида зарур ташкилий кўрсатмалар берувчи, уларни техник хавфсизлик қоидалари билан таништирувчи, амалий кўникма ва малакаларни ўргатувчи, стажировка даврида талаба эгаллаган кўникмаларни баҳолаш юкланган тажрибали давлат фуқаролик хизматчиси;

**шахсий ривожланиш режаси** – битирувчининг тизим ташкилотида стажировкаси давомида ўзлаштириши лозим бўлган билим ва кўникмалар муддатлар кесимида акс эттириладиган ҳужжат;

**кадрлар захираси** – тизим ташкилотидаги лавозимларни салоҳиятли, ёш кадрлар билан тўлдирилишини таъминлайдиган, юқори малакали мутахассислар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган маълумотлар базаси.

## 2-боб. Танлов ўтказиш тартиби

2. “Ёш мутахассисларни танлаш дастури” 1-иловадаги дастурни амалга ошириш схемаси бўйича тегишли босқичларда ва белгиланган муддатларда амалга оширилади.

3. Агентлик Агентлик тизим ташкилотлари расмий саҳифаларида Дастур бўйича стажировка танлови ҳақида эълон берилади ва тарғибот ташвиқот ишлари амалга оширилади.

4. Номзодлардан стажировка танловида иштирок этиш учун аризалар онлайн шаклда (*personnel@davaktiv.uz электрон почта орқали*) қабул қилинади.

5. Малака талабларга мувофиқ ариза эгаларига саралаш босқичида иштирок этишга таклиф қилинади.

6. Номзодлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, давлат фуқаролик хизмати ва коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги қонунчилик, давлат тили, ахборот технологиялари, шунингдек тизим фаолияти билан боғлиқ билим даражасини аниқлаш учун Агентлик тизим ташкилотлари томонидан ташкил этиладиган махсус тест синовидан ўтадилар.

7. Тест синовлари базаси Ёшлар ишлари агентлиги буюртмасига биноан ушбу ташкилот маблағлари ҳисобидан Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти томонидан ишлаб чиқилади.

8. Тест босқичи Агентлик тизим ташкилотлари билан ҳамкорлик қилаётган ОТМларнинг махсус компьютер хоналарида ўтказилади. Танлов жараёнлари Ёшлар ишлари агентлиги томонидан мувофиқлаштирилади.

9. Тест босқичидан муваффақиятли ўтган номзодлар (71 *фоиздан юқори*) тегишли Агентлик тизим ташкилотлари томонидан тузилган махсус комиссия томонидан суҳбатдан ўтказилади.

10. Номзодлар кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ жадвал бўйича баҳоланади. Баҳолаш натижаларига кўра, синовлардан муваффақиятли ўтган номзодларни стажировкага қабул қилиш ҳақида Агентлик тизим ташкилотлари раҳбарларининг буйруғи чиқарилади.

11. Стажировка жараёнини намунали яқунлаган ёш мутахассислар стажировка ўтаган давлат органларининг кадрлар захирасига киритилади.

### **3-боб. Стажировкани ташкил этиш қоидалари**

12. Стажировка танловлардан муваффақиятли ўтган битирувчи билан 3-иловага мувофиқ тузиладиган, ташкилот раҳбари ёки раҳбар томонидан ваколат берилган шахс томонидан имзоланадиган стажировка шартномаси асосида ташкил қилинади.

13. Мазкур шартномада стажировкани ташкил этиш ва ўтказиш бўйича шартнома предмети, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, қабул қилувчи ташкилотнинг иш фаолияти хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда стажировкани ўташ тартиби, шартноманинг амал қилиш муддати ва бекор қилиш асослари, шунингдек, тарафларнинг жавобгарлигига оид нормалар назарда тутилади.

14. Стажировка уч ойдан кам бўлмаган ҳамда бир йилдан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилиши лозим.

15. Агентлик ёшлар етакчиси, Инсон ресурслари ва ходимлар салоҳиятини ривожлантириш бошқармаси билан биргаликда мазкур Дастурни амалга ошириш жараёнларини мувофиқлаштиради. Стажировкани ташкил этишнинг зарур ташкилий-ҳуқуқий чораларини кўради (Ёшлар етакчиси белгиланмаган ташкилотларда ушбу вазифаларни кадрлар хизмати ходимлари амалга оширадилар).

#### **Ҳусусан:**

танлов жараёнларини белгиланган мезонлар асосида шаффоф ва адолатли ўтишини таъминлайди;

стажировкага жалб қилинган талабалар маълумотларини умумлаштиради;

стажировка яқунлари бўйича ҳисобот (тақдимот) жараёнларида иштирок этади;

дастурни амалга ошириш схемаси бўйича барча босқичлардаги чоратadbирларни мувофиқлаштиради;

стажировка ўташда ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш юзасидан мониторингни амалга оширади;

стажировка якунлари бўйича Агентлик тизим ташкилотлари нинг ҳисобот ва таклифларини умумлаштиради;

дастур бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси ёшлар агентлигига ахборот беради.

16. Агентлик Агентлик тизим ташкилотлари стажировкани ташкил этишнинг зарур ташкилий-ҳуқуқий чораларини кўради. Хусусан:

синов жараёнларини адолатли ва шаффоф тарзда ташкил этади;

малакали ва тажрибали мутахассислар орасидан стажёр билан ишлаш кўникмасига эга бўлган стажировка раҳбари ва устоз-менторни тайинлайди;

битирувчиларни стажировка даврида ўз ходими сифатида фаолият олиб бориши учун ташкилот раҳбарининг буйруғини чиқаради;

стажировка дастурига мувофиқ битирувчиларга жорий қилинадиган шарт-шароитлар (шахсий ҳимоя, моддий-техника воситалари ва бошқалар)ни яратади;

стажёрларга мавжуд адабиётлар, техник ва бошқа ҳужжатлардан (махфий характерга эга бўлган ҳужжатлардан ташқари) фойдаланиш имкониятларини беради;

ташкilotнинг ички меҳнат интизомини бузган стажёр билан тузилган стажировка шартномасини белгиланган тартибда бекор қилади;

битирувчи стажировкани ўташ даврида давлат органида бахтсиз ҳодисага учраган ҳолатлар бўйича жавобгарлик масалаларини қонунчилик ҳужжатлари асосида кўриб чиқади.

17. Стажировка раҳбари стажировка ўтаётган битирувчиларга раҳбарлик қилади. Унинг вазифалари:

давлат фуқаролик хизмати ташкilotнинг таркибий тузилмалари ва худудий бўлимлари бўйича талабаларни тақсимлайди, объектнинг тузилиши, фаолият йўналишлари ва ўзига хос хусусиятлари билан таништиради;

стажёр билан стажировка ўташ шартномасини имзолайди;

стажёрлар билан ташкilot раҳбарлари ва етакчи ходимларнинг учрашувини ташкил этади.

18. Устоз-ментор сифатида тизимда камида уч йиллик тажрибага эга, меҳнат жамоасида обрў-эътиборли давлат хизматчиси “устоз-шогирд” анъанаси асосида кўпи билан икки нафар битирувчига бириктирилиши мумкин. Унинг вазифаларига қуйидагилар киради:

стажёрларга иш фаолияти ва техника хавфсизлиги бўйича тушунтириш, шунингдек қабул қилувчи ташкilotнинг ички тартиб қоидалари ва иш режимининг хусусиятлари бўйича йўл-йўриқ кўрсатиш;

стажировка дастурига тааллуқли материаллардан фойдаланиш тартиб-қоидаларини ўргатади;

стажёр иш кунининг белгиланган давомийлигига ва стажернинг шахсий иш режасига риоя этилишини назорат қилади.

### **19. Стажёр тизим ташкилотида стажировка ўташда:**

стажировка бўйича услубий ва кўрсатма материаллар билан танишиши;  
стажировка шартномаси билан юклатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириши;

стажёрнинг шахсий иш-режасида назарда тутилган барча топшириқларни белгиланган муддатларда, тўлиқ ҳажмда ва сифатли бажариши;

стажировка ўташ тўғрисидаги ҳисоботни тақдим қилиши;

фаолиятида фойдаланиши мумкин бўлган материаллар тўпламини шакллантириши;

қабул қилувчи ташкилотнинг ички меҳнат тартиб қоидалари ва ходимлари фаолиятининг тартибини белгиловчи ҳужжатларга риоя қилиши шарт.

### **4-боб. Стажировкани ўташ тартиби**

20. Стажировка куйидаги босқичларга бўлинади:

- тайёрлов;

- асосий;

- ҳисоботларни топшириш ва баҳолаш.

21. Стажировка тайёрлов босқичининг биринчи кунда стажировка раҳбари томонидан йиғилиш ўтказилади. Йиғилишда талабалар стажировкани ўташ дастури билан танишадилар, унинг мақсад ва вазифаларига тааллуқли кўрсатмалар, стажировкани ўташ ва 4-иловадаги ҳисобот шаклини тўлдириш тартиби ҳақида хабардор қилинадилар.

22. Стажировка ўташнинг бошида талабалар қабул қилувчи ташкилотнинг тузилиши, фаолият йўналишлари, ўзига хослиги билан танишадилар ҳамда стажировка раҳбари ва бириктирилган устоз-ментор билан биргаликда стажировкани ўташ дастурини бажариш бўйича 5-иловага мувофиқ, шахсий иш режа жадвалини тузадилар.

23. Стажировканинг асосий босқичида битирувчи бевосита стажировкани ўташ дастурини бажариш бўйича Шахсий иш режада кўрсатиб ўтилган ишларни бажаради.

24. Стажировка якунлари бўйича ҳисоботни топшириш сўнгги босқич ҳисобланади. Белгиланган тартибдаги ҳисобот-тақдимот стажировка раҳбари, устоз-ментор ва ёшлар етакчиси (Ёшлар ишлари агентлиги вакили) томонидан баҳоланиб тасдиқланади.

25. Стажировкани муваффақиятли якунлаган битирувчилар Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги томонидан 6-илова асосида тасдиқланган сертификат билан тақдирланади. Мазкур сертификат асосида битирувчиларни давлат хизматига ишга қабул қилишда имтиёз назарда тутилади.

### **6-боб. Агентлик тизим ташкилотларига ишга қабул қилиш**

26. Агентлик тизим ташкилотлари томонидан ҳисобот даврида мавжуд вакант лавозимлардан келиб чиқиб, ёш мутахассислар учун энг кам даражали давлат хизматчилари лавозимлари рўйхатини шакллантиради. Ушбу лавозимлар вакант лавозимларнинг 10 фоизи миқдорида бўлиши тавсия қилинади.

27. Рўйхатдаги лавозимлар учун битирувчиларга алоҳида малака талаблари ишлаб чиқилади.

28. Дастур асосида стажировкани муваффақиятли тамомлаган, сертификатга эга битирувчилар тизим ташкилоти томонидан эълон қилинадиган мутахассис лавозимига ўтказиладиган тест синовларидан ўтган ҳисобланиб, бошқа номзодлар билан бир қаторда танлов комиссияси томонидан ўтказиладиган суҳбат асосида ишга қабул қилинади.

#### **7-боб. Яқуний қоида**

29. Мазкур Дастур бўйича юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**Ёш мутахассисларни танлаш дастурини амалга ошириш  
СХЕМАСИ**

Дастурга 1-ИЛОВА

<b>Босқичлар</b>	<b>Чора-тадбирлар</b>	<b>Муддатлар</b>	<b>Субъектлар</b>
<b>1-босқич</b>	Давлат активларини бошқариш агентлиги штат бирликларининг ўн фойздан кам бўлмаган миқдорда стажёрларни жалб қилиш учун зарур шарт-шароитлар (моддий техника)ни яратиш	2022 йил Сентябрь	К.Хакимов, К.Абдухаликов, Д.Исроилов, Идоравий мансуб тузилмалар раҳбарлари
<b>2-босқич</b>	Дастур доирасида ҳар бир идоравий мансуб тузилмалар билан интеграция қиланадиган ОТМлар рўйхатини шакллантириш ҳамда улар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш	2022 йил Сентябрь	К.Хакимов, К.Абдухаликов, Ш.Оманов, И.Бутиков, Идоравий мансуб тузилмалар раҳбарлари, Кадрлар хизмати
<b>3-босқич</b>	Расмий веб-сайтлар, ОАВ ва иқтимоий тармоқларда “Ёш мутахассисларни танлаш дастури” бўйича танлов эълон қилиш ҳамда ОТМларда тарғиботини ташкил қилиш	2022 йил Октябрь ойининг 1 ярми	К.Абдухаликов, Ш.Охунов, Ш.Оманов, Идоравий мансуб тузилмалар раҳбарлари,

			Кадрлар хизмати
<b>4-босқич</b>	“Ёш мутахассисларни танлаш дастури” бўйича эълон қилинган танлов бўйича келиб тушган ҳужжатларни қабул қилиш	2022 йил Октябрь ойининг II ярми	Қ.Абдухаликов, Идоравий мансуб тузилмалар раҳбарлари, Кадрлар хизмати
<b>5-босқич</b>	Номзодларнинг билим даражасини аниқлаш учун тест синовидан ўтказиш	2022 йил Ноябрь ойининг I ярми	Идоравий мансуб тузилмалар раҳбарлари, Кадрлар хизмати, Олий таълим муассасалари
<b>6-босқич</b>	Тест босқичидан муваффақиятли (71 фоиздан юқори) ўтган битирувчиларни Агентлик тизим ташкилотлари ташкил этилган махсус комиссия томонидан суҳбатдан ўтказиш	2022 йил Ноябрь ойининг II ярми	Суҳбат комиссияси, Қ.Абдухаликов, Идоравий мансуб тузилмалари раҳбарлари, Кадрлар хизмати, Олий таълим муассасалари
<b>7-босқич</b>	Суҳбатдан муваффақиятли ўтган стажировкага жалб этиш, устоз-ментор бириктириш, Стажировка ўташ шартномаси ва Шахсий ривожланиш режасини имзолаш	2022 йил Декабрь	Стажировка раҳбари, Устоз-ментор, Қ.Абдухаликов, Идоравий мансуб тузилмалари раҳбарлари, Кадрлар хизмати,

			Олий таълим муассасалари Устоз-ментор, Қ.Абдухлоликов, Ш.Оманов, Идоравий мансуб тузилмалари раҳбарлари, Кадрлар хизмати
<b>8-босқич</b>	Устоз-ментор томонидан стажёр фаолиятини кузатиб бориш асосида унинг билими, кўникмалари ва амалий тажрибаси ошишига кўмаклашиш	2022-2023 йиллар Декабрь - Июль	
<b>9-босқич</b>	Стажировка фаолияти якунлари бўйича стажёр тақдиротини баҳолаш ва муваффақиятли тамомлаган стажёрларга сертификат бериш	2023 йил Июль	Сухбат комиссияси, Стажировка раҳбари, Қ.Абдухлоликов, Ш.Оманов, Идоравий мансуб тузилмалари раҳбарлари, Ёшлар ишлари агентлиги
<b>10-босқич</b>	Сертификатга эга битирувчилар орасидан танлов (сухбат) асосида ишга қабул қилиш	Вакант жой очилган вақтда	Сухбат комиссияси, Стажировка раҳбари, Қ.Абдухлоликов
<b>11-босқич</b>	Стажировка якунлари ва давлат хизматига қабул натижалари бўйича “Ёш мутахассисларни танлаш дастури”ни такомиллаштириш юзасидан ҳулоса ва тақлифларни шакллантириш	2023 йил Август	Қ.Абдухлоликов, Ш.Оманов

**Ёш мутахассисларни танлаш дастури бўйича номзодлар кўрсаткичларини баҳолаш  
ЖАДВАЛИ**

№	ФИШ	Олий таълим муассасаси	Мутахассислик	Курси	Рейтинг баҳоси 20 балл	Тест 40	Сухбат 30 балл	Тил сертификатига эгаллик 10 балл	ЖАМИ
1.	Эшмаматов Тўхтасин Шожалил ўғли	Тошкент Архитектура ва қурилиш институтти	Бино ва иншоотлар қурилиши	4	17,4	25	25	10	77,4
2.	.....	.....	.....	....	...				

**Изоҳ:**

- “Фанларни баҳолаш” сўнги семестр натижаларига кўра фанлардан олинган баҳолари 20 баллдан фойз олиш билан ҳисобланади.  
(масалан, ўртача рейтинг кўрсаткичи **87 бўлса. 20 x 0.87 = 17.4**)

**Стажировка ўташ тўғрисида  
намунавий ШАРТНОМА**

Тошкент шаҳри

2022 йил “\_\_”

(*тизим ташкилоти номи*) номидан (кейинги ўринларда “Давлат органи” деб аталади) (*директор, директор ўринбосари, тизим ташкилоти раҳбари* бир томондан ва фукаро \_\_\_\_\_ (паспорт серияси ва рақами: АА \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_ томонидан \_\_\_\_\_ йилда берилган) (кейинги ўринларда “Стажёр” деб аталади) иккинчи томондан, вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органларида ёш мутахассиснинг стажировка ўташига доир мазкур шартномани тузиб имзоладилар.

1. “Стажёр” \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ вазифаларни бажаради.

2. Тарафлар ўртасидаги муносабатларга ташкилот раҳбарининг 20\_\_ йил “\_\_” -сон буйруғи талаблари татбиқ этилади.

**3. “Стажёр”нинг мажбуриятлари:**

стажировка бўйича услубий ва кўрсатма материаллар билан танишиш;  
стажировкани ташкил этиш ва ундан ўтиш билан боғлиқ тадбирларда иштирок этиш;  
стажировкадан ўтиш дастурида назарда тутилган барча тадбирларни стажировка учун белгиланган муддат ичида, тўлиқ ҳажмда ва сифатли бажариш;  
стажировка ўташ тўғрисидаги ҳисоботни тақдим қилиш;  
фаолиятида фойдаланиши мумкин бўлган материаллар тўпламини шакллантириш;  
ташкilotнинг ички меҳнат тартиб қоидалари ва ходимлар фаолиятининг тартибини белгиловчи ҳужжатларга риоя қилиш;  
мазкур шартноманинг 1-бандида белгиланган вазифаларни бажарганлиги тўғрисида ҳар ой якуни бўйича далолатномани тақдим этиш.

“Давлат органи”нинг ушбу шартномадан келиб чиқадиган бошқа топшириқларини ҳам бажаради.

**4. “.....” нинг мажбуриятлари:**

мазкур шартнома шартларига, шунингдек, фукаролик қонунчилик нормалари ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя қилиш;  
стажёрровка жараёнларини адолатли ва шаффоф тарзда ташкил этиш;  
малакали ва тажрибали мутахассислар орасидан стажёр билан ишлаш кўникмасига эга бўлган стажировка раҳбари ва устоз-менторни тайинлаш;  
стажёрлар учун иш жойи ва стажировка даврида фойдаланиш учун зарурий материаллар (шахсий ҳимоя, моддий-техника воситалари ва бошқалар) ажратилишини ташкил этиш;

стажёрларга мавжуд адабиётлар, техник ва бошқа ҳужжатлардан (маҳфий тусдаги ҳужжатлардан ташқари) фойдаланиш имкониятларини яратиш;

стажёрнинг фаолияти натижадорлигига асосан унга ойлик маош тўлаш;

ҳар ой якуни бўйича “Стажёр” томонидан тақдим этилган бажарилган ишлар ҳақидаги далолатномани ўрганиш, “Стажёр” томонидан бажарилган ишлар тасдиқланганда стажёрга ушбу шартномада белгиланган миқдорда ҳақ тўлаш.

5. Томонларнинг келишувига асосан “Стажёр” томонидан бажарилган иш ҳажми учун ҳар ой \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сўм тўлов тўланади. Бунда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ушбу суммадан ушлаб қолинади ва солиқ органларига ўтказилади.

6. “Стажёр” томонидан ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 3-санасига қадар “Давлат органи”га бажарилган ишлар ҳисоботи (далолатномаси) тақдим этилади.

“Давлат органи”га ушбу ишлар ҳисоботи далолатномасини қабул қилган пайтдан бошлаб 3 иш куни давомида текшириб, тақдим этилган маълумотларнинг ҳақиқатда бажарилган тақдирда далолатномани имзолайди ва 3 иш куни давомида мазкур шартноманинг 5-бандида назарда тутилган миқдорда “Стажёр”га ҳақ тўлайди.

Бунда, ушбу тўлов “Стажёр” томонидан тақдим этилган бажарилган ишлар далолатномасига асосан ойда икки марта амалга оширилиши мумкин.

7. Томонларнинг ўзаро келишувига кўра мазкур шартнома шартларига қиритиладиган барча қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма шаклда амалга оширилади.

8. Ушбу шартнома 20\_\_ йил \_\_\_\_\_дан бошлаб кучга киради ва 20\_\_ йил \_\_\_\_\_га қадар амал қилади.

9. Мазкур шартнома тарафларнинг келишувига асосан ёки бир тарафнинг истаги асосида иккинчи тарафни камида 15 кун олдин огоҳлантирган ҳолда бекор қилиниши мумкин.

Бунда шартнома бекор қилинган пайтдан бошлаб 5 иш кунида тарафлар ўртасида барча ҳисоб-китоблар амалга оширилади, мазкур шартнома Ижрочи томонидан ўз зиммасидаги вазифаларни бажармаганлиги туфайли бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно.

10. Мазкур шартнома белгиланган муддатда ёки муддатдан олдин тугатилганда “Давлат органи” ва “Стажёр” ўртасида ҳеч қандай озаро мажбурият вужудга келишига олиб келмайди ва бирор бир кўринишдаги ҳуқуқий оқибатларга асос бўлмайди.

## ДАВЛАТ ОРГАНИ

Манзили: \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_.

(директор, директорнинг ўринбосари,  
бошлиқ, бошлиқ ўринбосари)

\_\_\_\_\_

## СТАЖЁР

\_\_\_\_\_

Ф.И.О.

Паспорт маълумотлари: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

Яшаш манзили: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_нинг  
“Ёш мутахассисларни танлаш дастури” доирасида  
давлат органида стажировка давомида бажарган ишлари юзасидан

### ХИСОБОТ

Т/р	Чора-тадбир номи	Бажарилган ишинг мазмуни
1.		
2.		
3.		
4.		
5.		

Стажёр

\_\_\_\_\_

Устоз-ментор

\_\_\_\_\_

Стажировка раҳбари

\_\_\_\_\_



## Намунавий сертификат лойиҳаси

 YSHLAR ISHLARI AGENTLIGI	 O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI
<h1>SERTIFIKAT</h1> <p>BILAN TAODIRLANADI</p>	
SERTIFIKAT RAQAMI: 001	NAMUNAVIY
<p>O'zbekiston Respublikasi Qurilish vazirligida <b>“Yosh mutaxassislarni tanlash dasturi”</b>ni muvaffaqiyatli tamomladi</p>	
<p><b>Alisher Sa'dullayev</b> O'zbekiston Respublikasi Yoshlar ishlari agentligi direktori</p>	<p><b>Batir Zakirov</b> O'zbekiston Respublikasi Qurilish vaziri</p>